

Виждон поклиги ва кўп тиловат қилиш



08:00 / 28.12.2019 2201

Имроннинг қизи (яъни Ийсо алайҳиссаломнинг онаси Марям) отаси ҳақида шундай ривоят қилади: «Отам тунда ухламасликка Аллоҳга аҳд берган эдилар. Бу ҳақда: «Умрим бўйи Аллоҳга ибодат қилдим. Агар рукуъ, сажда, Аллоҳ каломининг қироати бўлмаганида, дунёда яшашни хоҳламаган бўлардим», дер эдилар. Вақти-соати етиб, отам вафот этдилар. Кейин у кишини тушимда кўриб, «Отажон, бизни тарк қилиб кетганингиздан бери сиздан дарак йўқ», дедим. Отам: «Қизим, ҳаёт билан видолашиб, қабр торлиги ва зулматларига кирган одам билан қандай учрашасан?» дедилар. «Отажон, биз билан хайрлашганингиздан кейин ҳолингиз қандай кечди?» деб сўрадим. «Яхши ҳолатдаман, қизим. Бизга уйлар берилди, ётар жойлар ато қилинди. У ерда овқатланамиз, жаннатдаги ризқимиз билан роҳатланамиз», деб жавоб бердилар. Мен яна: «Бу нарсалар сизга нима туфайли насиб этди?» деб сўрадим. «Соф виждон ва Аллоҳнинг Китобини

кўп тиловат қилиш билан», деб жавоб бердилар».

«Солиҳлар гулшани» китобидан